БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1989 ЙИЛ

16 ИЮНЬ
№ 25 (3025)
ЖУМА

## М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ГФРДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев федерал Президент Р. Фон Вайцзеккернинг таклифига биноан 12 июнь куни расмий визит билан Германия Федератив Республикасига борди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Яковлев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Силаев М. С. Горбачевнинг сафарида унга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Куннинг биринчи ярмида М. С. Горбачев визитининг амалий қисми бошланди. «Хаммершмидт» вилласи — ГФР федерал Президентнинг қароргоҳида меҳмонларни кутиб олишга бағишланган расмий маросим бўлди. Бу тантанали маросимдан сўнг М. С. Горбачев рафиқаси билан қарорғоҳга таклиф этилди. Бу ерда улар фахрий меҳмонлар китобига имзо чекдилар. Совет раҳбари ва федерал Президент «каминли зал»га йўл оладилар. Улар федерал канцлер Г. Коль, бошқа совет ва Ғарбий Германия расмий кишилари иштирокида суҳбатлашдилар. Куннинг иккинчи ярмида М. С. Горбачев федерал канцлер идорасига келди. Бу ерда иккала раҳбар журналистлар ҳузурида сўзладилар.

13 июнь куни М. С. Горбачев Бонн аҳолиси билан учрашди, мамлакат раҳбарлари билан музокаралар, ГФРнинг савдо саноат аҳли билан учрашувлар бўлди. Шу куни М. С. Горбачев билан Г. Коль ўртасида музокара давом этди. Бу музокараларда совет томонидан Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, И. С. Силаев, Ю. А. Квицинский, ҳамроҳ бўлиб келган бошқа кишилар иштирок этдилар. Музокаралар тугагач, М. С. Горбачев билан Г. Коль қўшма баёнот имзоладилар. Шундан кейин иккала мамлакат раҳбарлари ҳозирлигида бир қанча икки томонлама битимлар имзоланди. Бу аҳдлашувлар фан ва олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришни, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини, ёшларни бир-бирларига юбориб туришни, СССР ва ГФРнинг маданият марказларини барпо этишни назарда тутади. Бошқа битимлар экономика соҳасига тааллуқли бўлиб, капитал маблағ сарфлашни амалга ошириш ва уни ўзаро ҳимоя қилишга, шунингдек, экономика соҳасидаги мутахассислар ва раҳбар кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишда чуқурроқ ҳамкорлик қилишга қаратилган.

Мазкур битимларни совет томонидан СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Силаев, ГФР томонидан мамлакат ташқи ишлар министри Г. Д. Геншер ва ГФР тегишли маҳкамаларининг раҳбарлари имзоладилар.

М. С. Горбачев федерал канцлер маҳкамасининг фойесида ташкил этилган суратлар кўргазмасини кўздан кечирди. Унда зилзиладан зарар кўрган арман халқига ГФРдан бориб ёрдам кўрсатган кўнгиллиларнинг фаолияти акс эттирилган.

М. С. Горбачевнинг СССР Олий Совети Раиси қилиб сайлангандан кейинги биринчи визити муваффақиятли ўтмоқда. ГФР меҳнаткашлари совет раҳбарини шодухуррамлик билан кутиб олдилар. Мамлакат шарҳловчилари икки давлат раҳбарлари имзолаган ҳужжатларни «тарихий ҳужжат» деб атамоқдалар.

## РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ—ХЎЖАЛИК АКТИВЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

15 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика партия-хўжалик активларининг йиғилиши бўлди, йиғилишга партия комитетларининг биринчи секретарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, халқ депутатлари область, шаҳар ва район советлари ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, жамоат ташкилотларининг, маъмурий органларнинг, корхоналарнинг, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг, ижодий союзларнинг раҳбарлари, шунингдек, ветеранлар жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф қилинди.

Йиғилиш Фарғона областидаги оммавий тартибсизликлар натижасида ҳалок бўлганлар хотирасини ўрнидан туриб, бир минут сукут сақлаб эслади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Фарғона областидаги миллатчилик кўринишлари ва партия, совет, маъмурий органларнинг республикадаги вазиятни барқарорлаштириш вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев, Тошкент область Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози правлениесининг раиси И. О. Зуфаров, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Смеюшчев сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков партия-хўжалик активлари йиғилиши қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Йиғилиш резолюция қабул қилди, резолюцияда Фарғона областидаги воқеалар қаттиқ қораланди ва вазиятни барқарор этиш юзасидан долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Партия-хўжалик активлари йиғилиши шу билан тугади. Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг сектор мудири Н. В. Багров, СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари Ф. Д. Бобков, СССР Бош прокурорининг ўринбосари О. В. Сорока иштирок этдилар.

## УНУТМАНГ, ДИЁНАТЛИ КИШИЛАР ФАРЗАНДИМИЗ

ОНАЖОНИМ ФАРҒОНАМ, онажоним, нега йиғлаяпсан, нега инграяпсан, нега титраяпсан? Мусибат қаердан кела қолди, уни ким олиб келди? Ана шу хунрезликни, бiродаркушликни бошлаб берган, тинчингни ўғирлаган, сени қон қақшатган ким ўзи? Меҳр-муҳаббатнинг, қон-қардошликнинг юзига оёқ қўйган, ўзига ёзилган дастурхонга оёқ узатган, бошимизга ғам тошини отаётган ўша юзи қора ким ўзи? Наҳотки, сенинг сувингни, ҳавонгни, меҳрингни ичиб улғайганлар орасида шундай бетавфиқлар бор бўлса?!

Бутун Фарғонанинг азадор ҳовлига ўхшаб қолганига чидолмай ҳайқиргим келяпти. Бу аламли нидо томоғимга тиқилиб-тиқилиб, бутун вужудимни аёвсиз оғритгани билан нега овозимни чиқара олмаяпман? Гапириш навбати келганда тилим лол бўлиб, кўзларим ёшга тўляпти. Фарғонада қон тўкилганига, 2 мингдан ортиқ ҳамюртимиз бошпанасидан айрилганига, мингга яқин узоқ-яқинларимизнинг жароҳатланганига, кўплаб кишиларнинг ҳалок бўлганига, ҳовли-жойларининг кули кўкка соврилганига ўзим шоҳид бўлиб турибман-ку! Қани энди буларнинг барчаси ёлғон бўлса, Қани, болалар ва оналар фарёдини эшитмаётган бўлсам. Бу шафқатсизликлар учун ич-ичим куйишга куйяпти, аммо кимни лаънатлай, кимга ялиниб-ёлворай? Ахир турк билан ўзбек нима учун, нима талашиб бир-бирларига тажовуз қилишди? Наҳотки, бир ҳовуч бебошларнинг қасдма-қасди икки халқни — тили бир, дини бир, урф-одати бир, ҳатто қони бир икки халқни бир-бирига ёв этиб қўйса? Йўқ, бу ҳеч ақлга сиғмайди.

У ёки бу халқни ёмон отлиққа чиқариш нодоннинг иши. Катта ё кичик бўлишидан қатъий назар ҳар бир халқ ҳамиша улуғ ва қудратли. Ёмон, ичиқора, жанжални пулга сотиб оладиган, номард, худбин, пасткаш, майда гап, хулқи бузуқ, хоин одамлар ҳар бир халқдан ҳам топилади. Гўдакларнинг, оналарнинг, оталарнинг, «ҳеч кимга тили ҳам, жағи ҳам тегмаган» меҳнат аҳлининг гуноҳи нима?! Баъзилар бу воқеаларни «тўқликка шўхлик» деб баҳолаяпти. Ваҳоланки, унчалик тўқ ҳам эмасмиз. Иқтисодий, ижтимоий, маънавий қийинчиликларни тезроқ тугатиш йўлларини биргалашиб излаш, бир-биримизга мададкор бўлиш ўрнига етти ухлаб тушга ҳам кирмаган даҳшатли манзараларнинг томошабини бўлиб ўтирибмиз. Жанжалнинг тагини суриштирмай, ўзимизча хулоса чиқаряпмиз. Баъзан вазиятни тўлиқ англаб етмай, «қилдан қийиқ қидирганлар»нинг ур калтак, сур калтакни давом эттиришларига баҳона топиб беряпмиз. Бошқа жойлардаги ҳамма месхети турклари Қувасойдаги ўз уруғлари бўлган ўша бебошларни қоралашяпти. Бундай қаҳрли овозни мен Қўқонда, Фрунзе районининг Найманча қишлоғида, Ўзбекистон район Ленин номидаги колхознинг Каттағон қишлоғида, Фарғона районининг Усмон Юсупов номидаги боғдорчилик совхозида, Марғилонда эшитдим. Месхети турклари энг кўп яшайдиган Қувасойда ўзи нима бўлган эди?

Кейинги вақтларда бу ерда истиқомат қиладиган ўзбек, тожик, қирғиз ва бошқа миллатларга мансуб кишилар тез-тез:

— Буларнинг дастидан ёш-яланглармиз кўчада бемалол юролмай қолишди, — деб айрим месхети турклари устидан арз этишарди.

Бу ҳақлы овозларга қулоқ тутадиган топилмади. 23 май куни месхети турклари ресторанда ўзбек йигитларининг иззат-нафсларига тегдилар. Бу хабар тез тарқалди. Кўпдан алам билан юрган ўзбек йигитлари бақириқ-чақириқ билан ўша куни соат 19 дан 30 минут ўтганда тўпландилар. Шаҳарнинг Будённий кўчасида икки тараф бир-бири билан юзма-юз бўлиб, бир-бирларини ҳақоратлашди, қичқиришди. Гиж-гижлаш кучайиб, жаҳл келиб, ақл йўқолди, бир-бирларининг устига тошлардан ёмғирлар ёғдиришди. Ўзбек, тожик, месхети туркларидан тўрт киши, милиция ходимларидан икки киши жароҳатланди. Область ва шаҳар партия, совет ташкилотлари, милиция ходимлари кучи билан жанжал бостирилганда вақт ярим кечадан ўтган эди. 24 май куни соат 11ларда месхети туркларидан 300 киши шаҳарнинг Ленин майдонига тўпланиб, ўз юртларига қайтиш ҳақидаги ва бошқа сўровларни ўртага қўйиш билан бирга жанжал сабабчиларини жазолашни талаб этдилар. Улар билан юзма-юз йиғилган 500 дан ортиқ ўзбек ва тожик миллатига мансуб шахслар рўпарасидагиларга асаблари қўзғаб интиладилар. Партия, совет, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, тинчлигимиз соқчилари, обрў-эътиборли оқсоқоллар ўртага тушиши билан соат 13дан 30 минутлар ўтганда тарқалган оломон соат 19 ларда яна йиғила бошлади. Аммо булар фақат ўзбек ва тожик йигитлари эди. Улар қаршисида месхети турк оқсоқолларидан ҳалол меҳнати ва одамларга меҳри билан ҳурмат топган Тоштон ака Аслонов сўзга чиқиб, ўз ватандошлари орасидаги баъзи енгилтак ва хулқи бузуқ йигитларни қоралади, уларнинг ҳаддан ошган хатти-ҳаракатлари учун вужуди титраб-титраб кечирим сўради. Ундан кейин сўзга чиққан кўп кишилар ҳозирги воқеаларни онгсиз ҳаракат деб баҳолаб, ақл-идрокни йиғиб олишга чақирдилар.

Бу юрак сўзлари, ҳатто ялиниб-ёлборишлар, қонун бунга йўл қўймаслиги, ҳеч ким ундан қочиб қутулолмаслиги ҳақидаги жиддий огоҳлантиришлар нега озгина бўлса ҳам таъсир этмади? Нега оломоннинг қулоғи кар бўлиб қолди, жазавалари ошиб-тошди? Темирйўлчилар кўчасидан юриш бошлаган оломонни бу ерда кўпчилик бўлиб яшайдиган месхети турклари ғазаб билан кутиб турарди. Тошлар, портловчи пакетлар ва таёқлар билан бир-бирига ташланган жаҳолат жангида 58 киши жароҳатланди, 32 киши касалхонага ётқизилди. Қувасойнинг Валик қишлоғида яшовчи 29 ёшли тожик йигити Икром Абдураҳмонов касалхонада вафот этди. Кимларнингдир, рости, қайсидир кўринмас шарпаларнинг ваҳимасига, миллий ҳис-туйғуга тегувчи чақириқларига, қутқусига учиб, қулоғи кар, дили ва кўзи совуқ бўлиб кетган ҳар

Давоми иккинчи бетда



Фарғонанинг нотинч кунлари.



Л. ГУСЕЙНОВ суратга олган

МУҲАРРИР МИНБАРИ

## БУЮК ТЎЛҚИН

СССР ХАЛҚ депутатларининг биринчи съезди ўз ишини якунлади. Кейинги йигирма кун фикр жўшқинлиги, эҳтирослар, баҳс-мунозараларга бой бўлди. Жамиятнинг бугунги аҳволи сабабларини ошкора муҳокама қилиш, уни лоқайдлик ва бепарволик кишанларидан халос этиш, истиқбол йўлларини белгилаш учун чинакам кураш борди. Фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар ва ёндашувлар тўқнашуви, эътиқод ва масъуллик ҳисси даражалари бу курашга ўзига хос жўшқинлик бахш этди.

Қайта қуриш — биз танлаб олган ягона тўғри йўл эканлигини ҳис этдик. Бу йўл бизнинг тақдиримиз, тарих томонидан берилган имконият эканлигини тушуниб етдик. Шу боис ҳам янгиланиш жараёнининг инқилобий тўлқини бутун жамиятни оёққа турғизди. Экономикада, сиёсатда, маданиятда ижтимоий турмушга хос янги шаклларни ўзлаштириш, чуқур идрок этиш жараёни бошланди.

Депутатларнинг нутқлари уларга ишонч билдирган минг-минглаб сайловчиларнинг ҳам овози бўлиб янгради. Мамлакатимизнинг энг нуфузли минбарига юртдошларимиз чиқиб халқимизнинг дард-ҳасратлари, юрак сўзлари, муаммоларимизни эҳтирос билан баён қилишганида қайта қуриш туфайли юзага келган бу тарихий имкониятга шукроналар айтдик. Хатолар қалашиб ётган, миллиард-миллиард сўм маблағлар беҳуда совурилган, ҳаво булғанган, тупроқ заҳарланган, табиат беаёв топталган, пахта монокультураси гирибонимиздан қисиб ранг-рўйимизни заъфаронлаштирган бир пайтда бу эҳтирослар алоҳида аҳамият касб этади. Тўлапберган Қайипберганов қуриб бораётган Орол муаммоларини ўртага ташлаганида, «пахтани экспорт қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда пахта билан савдо қилиш — ўз гражданларимизнинг соғлиги билан савдо қилиш демакдир», деб бонг урганида, Одил Ёқубов иқтисодчи олимлар, экологлар, медицина ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан иборат нуфузли фавқулодда иқтисодий комиссия тузиб Ўзбекистоннинг бугунги аҳволини чуқур ўрганиш таклифини киритганида, Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймонов ва бошқалар биз учун куюнчаклик қилишганида уларни депутатлар билан бирга биз ҳам олқишладик.

Съезд қайта қуриш ҳаракатининг буюк тўлқинига айланди. Аммо ҳамма нарса ҳал бўлди, муаммолар ечилди, тўғонлар олиниб, йўллар очилди, дея олмаймиз. Шундоққина ёнимизда турғунлик деб аталмиш яқин ўтмишимиз ҳансираб турибди. Унинг илдизлари батамом қирқилгани йўқ. Ўзига ром қилиш, домига тортиш ниятидан воз кечгани ҳам йўқ. Эскича тарзни қўмсаётганлар оз эмас. Хато ва янглишишлар тўлиб-тошиб ётибди. Ошкоралик ва демократия замонининг улкан ютуқлари айни шу даврнинг хатолари билан гоҳо қоришиб кетмоқда.

Кейинги тўрт йил, шубҳасизки, кўп жиҳатдан турлича ечимлар, ёндашувлар, нуқтаи назарларни синаб кўриш, қиёслаш, таққослаш, янглишиш ва хатоларни тузатиш, ўрганиш йиллари бўлди. Биз тамомила янгича йўлдан бораётибмиз. Пухта йўл қоидаларисиз бораяпмиз, огоҳлантириш белгилари осиб қўйилмаган. Синалмаган йўлда от чоптираётган чавандоз тулпорга беҳуда қамчи босмайди. Биз бўлсак аввалига устма-уст уриб тезликни оширдик. Агропром туздик, ичкиликбозликка қарши аёвсиз кураш бошладик, ўйламай-нетмай районларни бирлаштирдик, сиёҳи туғаб-туғамай аҳамияти йўқоладиган талайгина қарорлар қабул қилдик. Лекин натижа чиқмади. Шошма-шошарлик билан пухта ўйламасдан қонун актлари қабул қилиш тажрибасидан воз кечилгани йўқ. Бунинг оқибатида халқ жафо чекмоқда, ҳафсаласи пир бўлмоқда.

Истеъмол бозори мураккаб аҳволга тушиб қолганлигича турибди, пул муомаласи бузилган. Саноатда жиддий ўзгаришлар бўлаётгани йўқ. Йирик корхоналар, завод-фабрикаларнинг яқин келгусидаги план-кўрсаткичлари аллақачон тасдиқлаб, муҳрлаб қўйилган. Бу муҳр ҳозирча харидор талаби ва эҳтиёжидан устун қўйилмоқда, яъни улар шу кунларда ҳам истеъмолчиларга ўз шартларини (истасангиз шу) мажбуран ўтказмоқдалар.

Яқин йиллар ичида пулнинг қадрсизланишига, истеъмол бозорининг инқирозига ва бюджетдаги камомадга чек қўйилмаса, мамлакат иқтисодий ночорликка юз тутиши мумкин.

Солиқ сиёсати — мутлақо ёмон аҳволда. Давлат, республикалар, маҳаллий Советлар, корхоналар ва аҳоли ўртасида адолатли молиявий муносабатни таъминлайдиган янги принциплар ишлаб чиқилиши керак.

Пулнинг қадрсизланиши аҳолини солиқ гирдобига тобора чуқурроқ тортмоқда. Маҳсулот тақчиллиги туфайли тўловлар даражаси ошиб бормоқда. Олтмиш биринчи йил сўмининг ярим қудрати ҳам қолгани йўқ. Бу нима дегани? Биз бозорда керагидан кўра кўпроқ тўлаяпмиз, Бизни тобора кўпроқ шилишмоқда. Олтмиш биринчи йили биров Олой бозори эшигида туриб «Ҳали кўрасизлар, бир кило қулупнайнинг баҳоси эски пулга 150—200 сўм бўлади», деса уни эси пастга чиқарган бўлардик.

СОЛИҚ СИЁСАТИ такомиллашуви керак. Бу ишни пайсалга солиб бўлмайди. Аммо шошма-шошарлик ҳам кетмайди. Яқинда «Аҳолига солиқ солиш тартиби ва миқдорларини ўзгартириш тўғрисида»ги СССР Қонуни лойиҳаси эълон қилинди. Воажаб, биз тўрт йилдан бери нималар деяпмизу лойиҳа нима дейди...

Мамлакатда демократиялаш жараёни гуркираб авж олмоқда, — деб таъкидланди съездда. — Ошкоралик одамлар турмушининг тобора янги соҳаларини қамраб олмоқда. Демократик асослар бизнинг кундалик турмушимизга мустаҳкам сингиб кетмоқда.

Тўғри, шундай бўлмоқда. Аммо, очиғини айтайлик, ошкоралик нима эканлигини энди тушуниб етдик чоғи. Кейинги йигирма кун ичида турғунлик даврининг неча ўн йилликларига тенг келадиган йўлни босиб ўтдик.

Биринчи марта ҳарбий харажатларимизни ўзимиздан эшитдик. 1989 йил учун 30 ёки 36 миллиард эмас 77,3 миллиард сўм ажратилган экан. Бу рақам съезд минбаридан туриб айтилди. Айтса бўларкан-ку. Ҳеч нарса содир бўлгани йўқ. Бирор жойимиз ўпирилиб тушгани, мудофаа қудратимизга путур етгани ҳам йўқ. Аксинча, ҳукуматга ишончимиз ортди. Депутатлар бўлса ҳарбий харажатларни шакллантиришда фаол қатнашиш имконига эга бўлдилар. Энди улар яна шу имкониятдан фойдаланиб қурол-яроғ ва техника харид қилишга 32,6 миллиард сўм ажратиш керакми ёки йўқлигини ўйлаб кўришлари мумкин.

Қурол-яроғ шусиз ҳам тўлиб-тошиб ётган бўлса яна нима олишимиз керак? Кимдан олишимиз керак?

Ер юзи, ифодали қилиб айтганда, қурол омборларини кўтара олмай қолди. Олимлар мана бундай демоқдалар: замин имкониятлари тобора камайиб бормоқда. Янги минг йилликнинг ўттиз йили ўтиб-ўтмай инсоният фойдали қазилмаларнинг энг муҳимларидан маҳрум бўлади. Гарчи бу йиллар ичида геологларнинг омади келиб кон очишлар беш баробар ошса ҳам худди шундай бўлади.

Бунинг устига ҳозиргача тўпланган қурол-яроғ Ғарб билан Шарққа бир-бирларини ер юзидан бир эмас, бир неча ўн марта сидириб ташлаш имконини беради. Бас, шундай экан, икки ўртадаги ҳарбий тенгликни зўрма-зўраки сақлашга ҳожат ҳам йўқ. Бизга бундай тенгликдан кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги тенглиги, даромад, сифат тенглиги, тадбиркорлик ва омилкорлик тенглиги, емоқ-ичмоқ тенглиги зарурроқдир.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг 1989 йил биринчи квартали якунларига доир ахборотида айтилишича «колхоз бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи бир процент арзонлашган» эмиш. Бўлмаган гап. Съезд минбаридан бутун дунёга машҳур бўлиб кетган қулупнай бу йил бозорда дастлаб 15—20 сўмдан сотилди, картошка нархи 2—3 сўмдан ошиб кетди. Айни ёз, пишиқчилик пайти бир килограмм гилос — 5 сўм, помидор — 4 сўм, ўрик — 5 сўм.

— Бу йил аҳволимиз чатоқ, — дейди деҳқон. — Экин-текинни совуққа урдириб қўйдик.

Ногаҳоний совуқ деҳқоннинг шўрини қуритиб турган бир пайтда Москва, Урал ва Сибирдан келган бир қатор раҳбарлар, саноат корхоналарининг вакиллари республикамиз колхоз ва совхозларида бўлдилар. «Апрелда карам етиладиган, сал кейинроқ эса сабзи, сўнгра бодринг, помидор пишадиган, редиска бутун йил давомида ўсадиган, кузда мева-чева, узум айниқса мўл бўладиган» Сурхондарё области хўжаликларини бориб кўрдилар. Гап пахта етиштиришга ихтисослашган республикамизни мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирувчи ва етказиб берувчи энг йирик республикага айлантириш хусусида борди. Икки томонлама манфаатли (биздан бу, сиздан у) шартномалар тузилди. Хўжаликлар маҳсулотларининг ортиқча қисмини сибирликларга сотсалар, улардан эса керакли нарсаларни харид қилсалар — бунинг нимаси ёмон? Ёмон жойи йўқ. Аммо... Мева-сабзавот ва картошка етиштиришга ихтисослашаётган колхоз ва совхозлар маҳсулотни қайта ишлайдиган цехларга, уни сақлайдиган замонавий омборларга эга бўлиши муҳимдир, — деб таъкидланди Е. К. Лигачев иштирокида ўтган йиғилишда. Маъқул гап. Омбор бўлмаса, қайта ишлайдиган цех қурилмаса ҳамма нарса аввал қандоқ бўлса бугун ва эртага ҳам шундоқлигича қолиб кетаверади. Яъни, далаларда мева-чева, полиз маҳсулотлари етилади ва... чирий бошлайди. Омбор ва цехларнинг муҳимлиги ҳар гал айтилади ва.... ҳеч нарса қилинмайди. Натижада биров пешонасидан офтоб уриб маҳсулот етиштиради, иккинчи биров эса прицеп ричагини аста босиб уни ахлат уюмлари устига тўкади.

Ногаҳоний совуқ ризқ-насибамизни яримта қилиб олмаю ўрик, шафтолию ёнғоқ ҳосилларини жизғанак қилиб кетган бир пайтда матбуотда СССР Министрлар Советининг «Агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигини тубдан ошириш ва уни янада ривожлантириш асосида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда умумий вазифалар билан бирга, ҳар бир регионга конкрет топшириқлар ҳам берилган. Ўқиймиз: «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССРда пахтачиликка ихтисослашишнинг ҳозирги даражаси сақлаб қолинган ҳолда... чорвачилик ва ўсимлик маҳсулотлари тайёрлаш кескин оширилади, умумиттифоқ фондига янги узилган ва қайта ишланган полиз маҳсулотлари, сабзавот, мева-чева, узум етиштириб бериш кўпайтирилади». Яъни, пахтани камайтирмаймиз, чорвачилик ва ўсимлик маҳсулотларини кўпайтирамиз, бозорни мева-чева билан тўлдирамиз.

ҚАДИМ ЗАМОНДА бир подшо ўтган экан. Унинг соҳибжамол қизига етти иқлимнинг йигитлари хуштор экан. Кунларнинг бирида подшо ошиқ йигитлардан бирига бундай дебди:

— Қизимни қирқ туя қалин тўлаган кишига бераман.

— Подшоҳи олам, — дебди йигит,—устимдаги кийимимдан бошқа ҳеч вақом йўқ. Уйим олдида бир туп ўрик ўсади. Мевасини сотиб тирикчилик ўтказаман.

— Яхши, — дебди подшо қувлик билан. — Баҳорда бир қоп ўрик гули, ёзда икки қоп ғўра, кузда уч қоп ўрик, қишда тўрт қоп туршак олиб келасан. Айтганларимни бажарсанг сени куёв қилиб оламан...

Эртакда йигитга сеҳргар қиз ёрдам беради.

Бизга-чи?

Ҳозирча пахта — 5 миллион тонна, гўшт 8 сўм, картошка 2 сўм, қулупнай... Қарордаги уч мақсадга эришиш учун деҳқон бир вақтнинг ўзида уч манзил томон чопиши керак.

1985 апрелидан бери тўрт баҳор ўтди. Деҳқоннинг кафти мойланганича йўқ. Қўшиб ёзишлар тугади, энди пичоғимиз мой устида дегандик. Пичоқ занглаб боряпти. Пахтакор хўжаликлар билан тола чиқиши бўйича ҳисоб-китоб қилишга ўтилганида ҳаммамиз хурсанд бўлиб дўппимизни осмонга отдик. Қайта қуриш шарофати туфайли адолат қарор топди, деб тушундик. Йўқ, адолат манзили ҳали узоқ экан. ЎзФА Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашининг раиси, ҳурматли академигимиз И. Искандаров бу усулнинг номақбуллигини фош қилиб ташлади. Вой биз хомлар-ей, республика иқтисодчи олимлари хўжаликларнинг тайёрлов ташкилотлари воситачилигида пахта тозалаш саноати билан иқтисодий муносабатларининг ҳозирда мавжуд бўлган хомхатала системаси хавфли номатлуб тенденцияларни келтириб чиқариши мумкинлигини бундан чорак аср муқаддам кўрсатиб ўтган эканлар. «Ўзаро ҳисоб-китобнинг бундай механизми, — деб ёзади И. Искандаров, — ташқи кўринишдан ҳар қанча мантиқий туюлса ҳам, намлик ва пахтанинг ифлослиги кўрсаткичларини **сирли равишда** кўпайтириб кўрсатиш ҳамда пахтанинг сортини пасайтиришдан тайёрловчилар манфаатдор эканлигини муқаррар келтириб чиқаради. Чунки ана шундай қилинганда кўп тола олиш учун **махфий имконият** яратилади».

«Сирли равишда», «махфий имконият»... Бу ниманинг ҳиди эканлигини сезаяпсизми? Биз бўлсак турғунлик тугади, қўшиб ёзишлар, ўғирлашларга барҳам берилди, деб чапак чалиб ётибмиз.

Съезд кунлари Фарғона областида қонли можаролар бўлди. Безорилик ҳаракатлари, ақл

Давоми иккинчи бетда

